

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 2



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Таҳрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

1. Ачилова Рисолат Аъзамовна

ШЕКСПИР АСАРЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ.....6

2. Севара Бабаева

БАДИЙ ТАФАККУРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА АКС ЭТИШИ.....11

3. Шамуратова Гулистон Юлшевна

АРТИСТИЗМ УЧИТЕЛЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ТВОРЧЕСТВЕ.....18

Тилшунослик

4. Zukhra Ikanova

ISSUES ON THE PRACTICAL APPLICATION AND EFFECTIVE USE
OF JURIDICAL TERMS.....24

5. Saidrasulova Shaxnoza Nazarovna

KATTA YOSHDAGI O'RGANUVCHILAR UCHUN FRAZEOLOGIK
BIRLIK LARNI O'QITISH UCHUN SAMARALI QADAMLAR.....30

6. Iroda Sharipova

FACTORS EFFECTING FRIENDLY ATMOSPHERE IN APPLICATION
EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN ESP ENGLISH LANGUAGE CLASSES.....35

7. Hashem Esmael Ali

O'ZBEKISTONDA ARAB TILINI O'QITISH (ARAB TILI O'QUV
QO'LLANMASINI ISHLAB CHIQISH VA UNI O'QITISH METODIKASI).....42

8. Кучибоев Мансур Абдумуротович, Рўзиқулов Элёр Шукурович

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ УСУЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА...48

9. Musulmonova Kamola Xusniddin qizi

LINGVISTIK EKSPERTIZANING TARKIBIY QISMLARI TAVSIFI.....55

10. Turakulova Baxtiniso Nuriddinovna

STYLISTIC PROBLEMS OF TRANSLATING WORDS FROM ENGLISH INTO UZBEK.....59

11. Джалалова Сайёра Мирхайдаровна

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БОШҚАРУВ КАРЬЕРАСИНИНГ
ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....63

12. Исоқова Феруза Шамсиддин қизи

ҚУРЪОНИ КАРИМ МАЪНОЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИДА МАДАНИЯТ
ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ.....67

13. Очилова Нилуфар Номозовна

ИЛМИЙ МАТННИНГ КАТЕГОРИАЛ БЕЛГИЛАРИ.....73

14. Фарход Хабибуллаевич Абдуллаев

ТЕРГОВЧИ НУТҚИДА ПАРАКИНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ИФОДАСИ.....79

15. Шерзод Халиқулович Джаббаров “ВАҚТ” ТУШУНЧАСИ КОНЦЕПТУАЛЛАШУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	85
16. Норимова Гулжахон Абдуғаниевна ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТРЕНДИ-СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМий МЕТОДИК ТАВСИФИ.....	90
17. Тойчиева Насибахон Суранбаевна, Туйчиева Дилафруз Рахматовна ЛИНГВИСТИКА - НАУКА, КОТОРАЯ ИЗУЧАЕТ ДРЕВНИЕ И СОВРЕМЕННЫЕ ЯЗЫКИ.....	97
18. Умида Душаева Юсуфовна ИСПАН ТИЛИДА КОМПАРАТИВЛАРНИНГ “АДЪЕКТИВ” ТИПДАГИ ЖУМЛАЛАР СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ТАНЛАШ ХУСУСИЯТИ.....	102
19. Илхом Турсунович Рустамов, Дилрабо Абдурашидовна Ёрматова, Хуршид Жамолхонович Сайфуллаев МАТНДА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ФАОЛЛАШИШИ.....	109
20. Amonova Zilola Qodirovna BOBORANIM MASHRABNING NASIMIYGA TATABBU'SI.....	114
21. Рузибоев Толибжон Холматжонович ДАВЛАТИ БОҚИЙ ТИЛАРСЕН.....	124
22. Khaydarova Iroda Anarbayevna PHONEMIC STRUCTURE OF MORPHEMES IN MODERN UZBEK LANGUAGE.....	132
23. Khaydarova Iroda Anarbayevna, Allayarova Difuza Qlichevna ISSUES ON THE PHONEMIC STRUCTURE OF MORPHEMES IN MODERN UZBEK LANGUAGE.....	136
24. Камола Насировна Каюмова ИНГЛИЗ ТИЛИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯ ЭТИМОЛОГИЯСИ.....	141
25. Исмоилов Қахрамонжон Абдумўминович ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ВА ЯССАВИЙЛИК ТАРИҚАТИ ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАР НИГОҲИДА.....	145
26. Abdullayeva Nilufar Nasulloyevna MAQOL VA HIKMATLI SO'ZLARINING PAREMIOLOGIK MAYDONI.....	152
27. Нзанова Серегул Кунградбаевна ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	158
28. Шукурова Мадина Аскарловна АНАЛИЗ СПЕЦИАЛЬНОЙ ЛЕКСИКИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА XVI ВЕКА ПО АСПЕКТАМ ТЕРМИНОЛОГИЧНОСТИ.....	165

29. Носиров Отабек Тимурович РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «ВЕСНА», «ОСЕНЬ» В РУССКОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА.....	171
30. Раҳматова Зоира Ҳақназаровна БОЛАЛАР ЛУҒАТИ СЎЗЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК СЕМАНТИЗАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ.....	182
31. Xaydarova Nigora GENDER LINGVISTIKASINI O'RGANISHNING UMUMIY NAZARIY ASOSLARI.....	190
32. Иродахон Валижоновна Холдарова ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ ВА ГЕНЕРАТИВ ЛЕКСЕМАЛАР.....	196
33. Шохида Улугова Шохруховна БАДИИЙ АСАР МАТНИДА МЕТАФОРАЛАР ФАОЛЛАШУВИГА АСАР ҚАҲРАМОНЛАРИ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ТАЪСИРИ.....	209
34. Даминова Фазода Ирисовна ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	218
35. Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ЭЪТИҚОД” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ МАЪНОВИЙ МУНОСАБАТЛАРИ.....	222
36. Рано Юсубова ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ТЕЖАМЛИЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	228

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Адабиётшунослик

Ачилова Рисолат Аъзамовна,
катта ўқитувчи,
Бухоро давлат университети
risolat_lola@mail.ru

ШЕКСПИР АСАРЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-2-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада троп кўринишларидан бири антономазиянинг моҳият-мазмунини изоҳланган, оғзаки ва ёзма нутқдаги вазифаси аниқланган, Шекспир ижодида уларнинг бадиий санъатни воқелантиришдаги ўрни белгиланган, семантик хусусиятлари ўрганилган, шоирнинг улардан фойдаланиш маҳорати фактик материаллар билан очиқ берилган. Бундан ташқари, мақолада ёзувчи антономазиядан нима мақсадда фойдаланганлиги, антономазиянинг тилшуносликда тутган ўрни ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида айтиб ўтилган. Шекспир ўз асарларида антономазияни қўллашда ўша даврнинг мифологиясидан фойдаланганлиги ҳар бир мисолларда ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: антономазия, матн, мифология, шеърят, стилистика, семантика, метонимия.

Ачилова Рисолат Аъзамовна
Старший преподаватель
Бухарский Государственный Университет
risolat_lola@mail.ru

СЕМАНТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ АНТОНОМАЗИИ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ШЕКСПИРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье разъясняется сущность одного из тропов - антономазии, определяется его функция в устной и письменной речи, определяется их роль в творчестве Шекспира в реализации искусства, исследуются его семантические особенности, раскрывается способность поэта использовать их на фактическом материале. Кроме того, в статье обсуждается цель, для которой автор использовал антономазия, роль антономазии в лингвистике и способы ее более эффективного использования. Видно, что использование Шекспиром мифологии того периода в применении антономазии в его произведениях отражается во всех случаях.

Ключевые слова. Антономазия, контекст, мифология, поэзия, стилистика, семантика, метонимия.

Achilova Risolat A'zamovna

Senior Lecturer of Bukhara State University

risolat_lola@mail.ru

THE SEMANTIC VALUE OF ANTONOMASIA IN THE WORKS OF SHAKESPEARE**ANNOTATION**

This article explains the essence of one of the tropes - antonomasia, defines its function in oral and written speech, defines their role in Shakespeare's work in the realization of art, examines its semantic features, reveals the poet's ability to use them on factual material. In addition, the article discusses the purpose for which the author used antonomasia, the role of antonomasia in linguistics, and ways to use it more effectively. It can be seen that Shakespeare's use of mythology of that period in the use of antonomasia in his works is reflected in all cases.

Key words: antonomasia, context, mythology, poetry, stylistics, semantics, metonymy.

Кириш. Антономазия, номнинг кўчишига асосланган, яъни объектнинг маълум бир хусусият-ҳаракати бошқа объектда намоён бўлишининг алоҳида ҳодисасидир. Ҳозирги кунга қадар антономазияни тушуниш уни фақат шундай таърифлаш билан чекланган эди ва фақат нутқнинг стилистик ҳодисаси деб қабул қилинарди. Аммо кўплаб олимлар антономазияни стилистик восита деб ҳисобласа ҳам унинг моҳияти тўғрисида қарама-қарши фикрлар билдириб, у тўғрисида баҳслашар эдилар. Антономазиянинг мазкур таърифи билан бир қаторда тегишли номдан кўчма маънода фойдаланиш, умумий номнинг образли тарзда ишлатилиш каби таърифлари ҳам мавжуд. Бундай ноаниклик антономазияни тушунишда нотўғри ёндашувларни кўрсатмайди, балки унинг баъзи жиҳатларини янада кенг ёритишни, яъни нафақат тилнинг стилистик воситаси сифатида ўрганибгина қолмай унинг янада кенгрок ҳодиса эканлигини такидлайди. Антономазия лингвистик номинатсия воситасидир, унинг натижасида мутлақо янги маъно гуруҳларининг таркибий, семантик ва прагматик хусусиятлари намоён бўлади.[Арутюнян М.А.]

Антономазияларни матний ва лексик маъноларига кўра, ҳар хил турларга ажратиш мумкин. Чунки аташ маъноси атоқли от маъноси учун хосдир, денотатив маъно эса турдош от маъносига оиддир. Шуларга кўра антономазияни иккита асосий турга бўлиш мумкин. Биринчи турдаги антономазияларда аташ ном маъноси асосий ҳисобланади, денотатив маъноси эса матндан келиб чиқади, яъни бунда атоқли от маъноси қисман турдош ном маъносига айланади. Иккинчи турдаги антономазиялар эса кўчма маънодаги турдош номлар маъносидир. Унда асосий маъно денотатив маънодир, аташ ном эса матндан келиб чиқади. Турдош от эса қисман атоқли отга айланади. Бу турдаги антономазиялар яна кичик турларга бўлинади. [Каграманов К. Р.]

Антономазия атамаси биринчи марта милодий 1500 йилларда ишлатилган. Турли даврларда турли хил антономазилар кашф этилган. Антономазия таърифланган инсонга образли хусусият беради. У нафақат эмоционаллик шу билан бирга баҳо ҳам беради. Рус тили стилистикаси бўйича асарлар муаллифи И.Б. Голуб антономазияни метонимиянинг махсус тури сифатида белгилайди ва шу йўналишда ўрганади. Муаллифнинг таъкидлашича, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қадимги мифологиядан келиб чиққан антономазиялар шеърий асарларда камроқ қўлланила бошланган. У бу хусусда ёзади: “Ҳозирги вақт шеъриятида қадимги номларнинг ишлатилиши ўтмишда қолди” [3]. Олим бунга Шекспир асарларини мисол қилиб келтиради. Маълумки, Шекспир ўз асарларида афсоналардаги худоларнинг исмларидан кенг фойдаланган. Бу эса унинг ижодини китобхонларга тез ва таъсирчан етказишга катта ёрдам берган. И.Б.Голуб фикрича, кейинги давр инглиз шеъриятида антономазилардан фойдаланиш кўлами анча торайган.

Шекспир ўз шеърий асарларида антономазилардан маҳорат билан фойдаланган. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни ҳавола этамиз:

Than when I first my wedded mistress saw,
Bestride my threshold. Why, **thou Mars**, I tell thee.

Таржимаси:

Икков кўришганимиздан шодман нақадар!
Ешитгил **Марс**, биз яширин тўпладик лашкар.

Шеърый парча мазмунидан англашиладики, Авфидий ўзининг собиқ рақибини унинг жасоратларини ҳурмати қилганлиги учун уруш худосининг номи билан атади, яъни душманнынги номини тилга олмасдан уни уруш худоси – Марс номи атади. Бу билан Авфидий ўз душманида худоларга хос жасурлик ва енгилмас куч хусусиятлари борлигини эътироф этади. Шекспир асаридаги қуйидаги шеърый парчага эътибор қаратайлик:

Wert thou the **Hector**,
That was the whip of your bragged progeny,
Thou shouldst not scape me here.

Таржимаси:

Агарда сен **Гектор** бўлсанг ҳам.
Ёки унинг бир мактанчоқ зурриёди – тамом,
Мендан қочиб қутилишини энди даргумон.

Мазкур шеърый парча мазмунидан англашиладики, Афвидий Марсийни афсоналардаги Гектор Троя жанчиси, яъни жасур ва олийжаноб киши образида ифодалаган. Шекспир шеърый асарларидаги антономазияларга доир кейинги мисолга диққат қаратайлик:

O, God! a beast, that wants discourse of reason,
Would have mourn'd longer--married with my uncle,
My father's brother, but no more like my father
Than I to Hercules: within a month:
Ere yet the salt of most unrighteous tears
Had left the flushing in her galled eyes,
She married. O, most wicked speed, to post
With such dexterity to incestuous sheets!
It is not nor it cannot come to good:
But break, my heart; for I must hold my tongue.

Таржимаси:

Онам, онам, у хотин ё раб, илоҳим,
Онғисиз ҳайвон эр учун шунча шошилмас,
Ҳолбуки эр қилгани бадбахт амаким,
Ўхшар марҳум отамга, **Геракл**га мен,
Қай даража ўхшасам ... Войдод, вовайло.

Аёнки, Геракл юнон афсоналаридаги қаҳрамон бўлиб, шарқ адабиётларида *Хиракл* номи билан аталган. Зевснинг ўғли Геракл афсоналарга кўра, беқиёс кучга эга бўлган. У мислсиз ўн иккита жасорат кўрсатган. Уларнинг айримлари қуйидагилар: немей шерини ва кўп бошли лерней аждаҳосини ўлдирган; эриманф тўнғизини тирик тутган; стимфол жоду қушларини қириб ташлаган; амазонкалар маликаси Ипполитанинг камарини олган; Прометейни озод қилган; подшоҳ Диомедни енгиб, йиқитган ва бошқалар. Юнонистоннинг кўпгина жойларида, кейинчалик Италияда Гераклга эътиқод қилинган. Геракл ҳақидаги афсоналарда инсоннинг табиатнинг даҳшатли кучларига қарши кураши акс этган. Мазкур шеърый парча мазмунидан англашиладики, Гамлет ўзини Гераклга ўхшатган.

Кейинги мисолга эътибор қаратайлик:

Look here upon this picture and on this,
The counterfeit presentment of two brothers.
See what a grace was seated on this brow,
Hyperion's curls, the front of Jove himself,
An eye like **Mars'** to threaten and command,
A station like the herald **Mercury**

New-lighted on a heaven

Таржимаси:

Муниси ҳам муниси – иккита суръат
 Суръатларда солинмиш оға ва ини
 Буни қаранг: қанчалик жозиба кўркам.
 Зебо пешона, сочлари **Аполлонвори**,
 Қарашлари **Марсники** сингари мағрур,
 Осмоннинг элчиси **Меркурий** каби
 Улуғворлик ва савлат бу кишига жам.

Англашиладики, шоир мазкур шеърий парчада *Аполлон*, *Марс*, *Меркурий* каби антономазияларни қўллаган. Асарда тасвирланишича, Гамлет ўз онасининг чиройи ва хусусиятларини афсонавий худолар – *Аполлон*, *Марс*, *Меркурий*га ўхшатади. Маълумки, Аполлон юнон мифологияси ва динида олимп худоси бўлиб, Зевс ва Летонинг ўғли, шифо бахш этувчи, соҳибкаромат ва санъат ҳомийсидир Аполлонга сиғиниш Кичик Осиёда бошланиб, милoddan аввалги 2-минг йилликда Юнонистонга, у ердан Римга тарқалган. Дастлаб чўпонлар ҳомийси, олмazorлар худоси деб танилган. Уни шеърий ва мусиқа ҳомийси сифатида ҳам эъзozлашган. Қадимги юнон санъатида Аполлон қўлида ўқ-ёй ёки мусиқа асбоби ушлаган ёш йигит қиёфасида тасвирланган. Шекспирнинг мазкур шеърий парчасида Гамлет онасини Аполлонга ўхшатиб, уни соҳибкаромат, санъат ва шеърий ҳомийси сифатида талқин этишга ҳаракат қилган. Шоирнинг юқорида келтирилган шеърий парчасида *Меркурий* сўзи ҳам антономазия сифатида қўлланган. *Меркурий* қадимги Рим афсоналарида келтирилишича, Юпитернинг ўғли, тижорат, санъат, касб-ҳунарлар худоси, сайёҳлар ҳомийси ҳисобланади. Одатда юнонлардаги Гермес билан киёсланади. Меркурий тасвири бошида сафар қалпоғи, оёғида патли шиппак, қўлида таёқ билан берилади. Айтилганидек, шоир уни шеърида тижорат, санъат, касб-ҳунарлар худоси, сайёҳлар ҳомийси мажозий маъносида истифода этган.

Хулоса. Жаҳон адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Шекспир асарларида антономазиялар алоҳида тизим сифатида шаклланган бўлиб, улар асар қаҳрамонларининг маънавий ва жисмоний хусусиятларини аниқ, ёрқин ва таъсирли ифодалашда шоир учун муҳим кўчим турларидан бири бўлиб хизмат қилган. Ўйиборли томони шундаки, биринчидан, Шекспир асарларида антономазиялар образнинг ташқи қиёфасини тасвирлашдан кўра ички хусусиятларини ифодалаш учун кўп қўлланилган, иккинчидан эса шоир асарларида қўлланилган антономазиялар, асосан, ижобий баҳо ифодаловчи антономазиялардир. Шекспир антономазиялардан асар таъсирчанлиги ва образлилигини ошириш учун улардан кенг ва ўринли фойдаланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнян М.А. Антономазия как средство языковой номинации. –М.: Вестник, 2007.
2. Каграманов К.Р. Антономазия как средство языковой номинации: семантика и прагматика: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Москва -2007.
3. Голуб И. Б. Стилистика русского языка. 4-е изд. -М.: Айрис-пресс, 2003. -Стр. 448-451.
4. https://shakespeare.folger.edu/downloads/pdf/coriolanus_PDF_FolgerShakespeare.pdf АСТ 4. SC. 5.
5. Шекспир. Гамлет. –Т.: Шарқ, 2006.
6. Шекспир. Сайланма. Иккинчи жилд. –Т.: Фан, 2008.
7. Mavlanova Ugiloy Khamdamovna, Ruzieva Dilfuza Salimboevna, Babaeva Vasila Toshpulatovna. Irony in dramatic works//International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 3.
8. Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.

9. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
10. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
11. Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D. DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference “EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY» June 5-9, 2020. London, United Kingdom
12. Sharipova D.Sh , Mavlonova U.Kh., Ibatova N.I. BEHAVIORAL LANGUAGE ETIQUETTE IN UZBEK PROVERBS AND SAYINGS // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 11(89). Часть 3. 2020. P: 51-53
13. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
14. U.K. Mavlonova, R.A. Achilova. THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA (AMERICANISMS). Dostijeniya nauki i obrazovaniya, 5/59, 2020.
15. Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna. Irony in Fitrat’s Dramas. International Engineering Journal For Research & Development 5 (CONGRESS), 3-3, 2020/11/23
16. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna, Makhmurova Mavjuda Khalimovna. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN LITERATURE. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 26-27.